Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 51 (7. 140) ◉ 1990 йил 2 март, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

28 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Тошкент давлат медицина институти партия комитетининг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Институтнинг бошланғич партия ташкилоти кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мутахассислар тайёрлаш сифатини назорат қилмаяпти, илм-фанни ривожлантиришга, институтнинг моддий базасини мустаҳкамлашга кам маблағ ажратмоқда. Аудиториялар фонди таққиллиги 43 минг квадрат метрни ташкил этади. Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент давлат медицина институти моддий базасини яхшилашга оид 1980 йил 28 майда чиқарган 387-сон қарори амалда бажарилмай қолди, планлаштирилган 50 та объектдан атиги 15 таси ишга туширилди.

Қабул қилинган қарорда Тошкент давлат медицина институти партия комитетининг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Партком секретари ўртоқ А. Ш. Воисов, партком аъзоси, ректор ўртоқ Н. Х. Шомирзаев мавжуд камчиликларга нисбатан муросасозлик қилганликлари, институтнинг турмуш фаолияти барча жиҳатларини қатъиян янгилашга, олий мактабни қайта қуришнинг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришга коммунистларнинг куч-ғайратини бирлаштира олмаганликлари таъкидланди. Институт партия комитетига ректорат билан биргаликда ўқув жараёнини яхшилашга, институт коллективида ижодкорлик, ўзаро талабчанлик, юксак уюшқоқлик ва интизом вазиятини вужудга келтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси юклатилди. Институтнинг барча бўлинмалари учун истеъдодли ёшларни қидириб топиш ва танлаш, фан номзодлари ва докторларини планли асосда тайёрлаш, раҳбар кадрлар, энг аввало, кафедра мудирлари лавозимларига ёш мутахассисларни кўтариш зарур, деб таъкидланди қарорда. Медицина кадрларини тайёрлаш борасида Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги ҳамкорликни кенгайтириш, СССР ҳамда чет мамлакатлар олий ўқув юртлари билан бевосита алоқа ўрнатиш йўллари фаол қидириб топилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ТошМИнинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш юзасидан 1980 йилда қабул қилинган ўз қарори бажарилмаганлиги сабабларини таҳлил этиш, Тошкент шаҳридаги медицина шаҳарчасини комплекс равишда қуришни тугаллаш, унинг социал базасини ривожлантиришга оид тадбирларни белгилаш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига (ўртоқ С. М. Баҳромов) институтни бошқариш структурасини қайта кўриб чиқиш, ТошМИ фаолиятининг барча жиҳатлари устидан мунтазам амалий назоратни йўлга қўйиш, етилган муаммоларни ҳал этишда унга ёрдам бериш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетига, Ҳамза район партия комитетига олий ўқув юрти фаолиятида йўл қўйилган нуқсонлар учун институт раҳбар коммунистларининг шахсий партиявий жавобгарлигини аниқлаш вазифасини топширди.

Бюро мажлисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасуловнинг Бўка районидаги вазиятни барқарорлаштириш борасида область партия ташкилоти кўраётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Ижтимоий-сиёсий тусдаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тонгги газеталарда

⊙ **Жорж Буш билан М. С. Горбачев мунтазам фикрлашув доирасида 28 февраль куни телефон орқали суҳбатлашдилар. Айрим долзарб халқаро масалалар, жумладан Никарагуада яқинда бўлиб ўтган сайлов якунлари муносабати билан вужудга келган аҳвол, Европа хавфсизлиги муаммолари, шунингдек, унинг Германияга оид жиҳати муҳокама қилинди, дейилади ТАСС хабарида.**

⊙ **СССР Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг 28 февраль куни бўлиб ўтган ялпи йиғилишида оммавий ахборот воситаларининг қайта қуришдаги роли ҳақида гаплашиб олинди. СССР Журналистлар уюшмасининг раҳбариятн тўғрисидаги ва уюшманинг VII съездини чақириш ҳақидаги масалалар кун тартибига қўйилди. Бугун газеталарда ана шу журналистлар машварати ҳақида хабар эълон қилиниган.**

⊙ **СССР Олий Советининг учинчи сессияси ҳақида ҳисоботлар, мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.**

«Прогресс М-3» учирилди

«Мир» илмий-тадқиқот комплекси ишининг бундан буёнги режасига мувофиқ, 1990 йил 1 март куни Москва вақти билан соат 2 дан 11 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс М—3» автомат юк кемаси учирилди.

Кемани учиришдан мақсад — одам бошқарадиган «Мир» комплексига сарфланадиган материаллар ва турли юкларни етказиб беришдан иборатдир.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра автомат юк кемаси системаларн нормал ишламоқда.

(ТАСС).



⊙ **ДЕПУТАТ ИШЧИ. Асбобсозлик заводининг чарҳловчиси, шаҳар Советининг депутати Валерий Иванович Марченко.**

Т. Каримов сурати.

СИФАТИ ЯХШИ

⊙ **ТОШКЕНТ қурилиш Бош бошқармасининг 1-ёғочни қайта ишлаш заводи тайёрлаётган буюмларнинг ҳажми кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда.** Бунда илғор техника ва технологияни изчиллик билан жорий қилиш катта ёрдам бермоқда.

БУГУН 5-цехда эшик блокларини прессловчи агрегатни монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етди. Айни пайтда технологик ҳавони ускуналарга етказиб беришни таъминлайдиган компрессор станцияси қурилиши ҳам тугамоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

ИТАЛИЯДАН КЕЛТИРИЛДИ

⊙ **БУГУН Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида Италия мутахассислари тайёрлаган янги гальваник қолиплаш линияси ишга тушди.** Бу линия ўйинчоқлар турини кўпайтириш билан бирга меҳнат унумдорлигини янада оширади. Корхона жамоаси ўтган йилдагига қараганда 1 миллион сўмдан кўпроқ маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.

Д. ОРТИҚОВ.

ҚУШ УЧСА ҚАНОТИ ТЕГАДИ

⊙ **БУГУН пойтахтимизнинг Халқлар Дўстлиги майдони ёнида Ўрта Осиёда ягона бўлган меҳмонхона қурилиши бошланди.** Бино лойиҳасини «ЦНИИЭП»нинг 5-устахона меъморлари тайёрлаган.

30 қаватли — 1 минг 300 ўринли мазкур меҳмонхонада қатор имкониятлар яратилиши ва миллий безаклар билан безатилиши кўзда тутилган бўлиб унинг қурилишига 20 миллион сўм капитал маблағ ажратилган.

Бинокорлик ишларини баланд қаватли иншоотлар қуришга ихтисослашган трестнинг 69-қурилиш бошқармаси жамоаси олиб бормоқда.

А. АСИЛОВ.

ДАҲАЛАРДА БОҒЧАЛАР

⊙ **ЯҚИНДА «Сергели—16» даҳасида 560 ўринли, «Сергели—7» даҳасида 640 ўринли, Ким-Пен-Хва даҳасида эса 160 ўринли болалар боғчалари ишга тушди.** Бу боғчалар қурилишида «Главташкентстрой»нинг 159-трести, 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Ҳозир бу масканлар бир ярим мингга яқин кичкинтойларни ўз бағрига олади.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

ҲАЙРЛИ АНЪАНА

⊙ **ТОШКЕНТ қурилиш материаллари бирлашмаси қошида ташкил этилган «Ғишт»чи пайчилар жамияти коллективи кўп яхши анъаналар ташаббускоридир.**

Бу коллектив асосан шартнома асосида иш бажаради. Ойига 1 миллион дона ғишт тайёрлаб қатор корхоналар қатори, аҳолига ҳам 300 минг дона ғишт сотади.

Коллективнинг хайрли ишларидан яна бири ҳар ойда 400 сўмни болалар фондига ўтказиб келишидир.

БУГУН шу болалар фондига ўтказаётган пул миқдори 800 сўмга оширилди. Болалар фондига юборилган пул 10 минг сўмдан ошиб кетди.

Д. МУРОДОВ.

САВДО ДЎКОНИ

⊙ **БУГУН Олой бозори ёнидаги Каблуков кўчасида маданий моллар билан савдо қилувчи магазин фойдаланишга топширилди.**

150 квадрат метр савдо залига эга бўлган ойнаванд савдо дўконини «Ташкультторг»га қарашли қурилиш бошқармаси аъзолари бунёд этишди. Бу ерда турли маркадаги соатлар, фото буюмлари ва ўқув қуроллари билан савдо қилинади.

Б. ОМОНОВ.

МАҲАЛЛА АҲЛИ МАМНУН

⊙ **КИРОВ районидаги «1-Кисловодск» маҳалласида жойлашган 42/2 озиқ-овқат магазини тўла таъмирдан чиқарилиб,** аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлади. Таъмирлаш ишларини район озиқ-овқат савдоси бўлимининг махсус қурилиш бригадаси олиб борди. Ўз ишларини тез ва соз бажарган қурувчилардан маҳалланинг кексаю ёш — барча аҳолиси мамнун.

Д. ИСРОИЛОВ.

ЗУККОЛАР МУСОБАҚАСИ

⊙ **САМОЛЁТСОЗЛАР маданият кошонасида «Қувноқлар ва зукколар» конкурси бўлиб ўтди.** Конкурсда В. П. Чкалов номидаги самолёт ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва ёшларидан тузилган икки команда — «Атиргул» ва «Олтин қанот» ўзаро беллашди. Бу баҳсда «Олтин қанот» командаси аъзолари ғолиб чиқдилар. Конкурс сўнгида ғолибларни бирлашма комсомол комитети эсдалик совғалари билан тақдирлади.

М. ОРТИҚОВ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР»

⊙ **ШАҲРИМИЗДАГИ гидромелиорация техникумида «Балли, йигитлар» спорт конкурси ўтказилди.** Ҳар бир бўлимда 12 тадан йигит қатнашди. Конкурс натижасига кўра «Автоматика» бўлими йигитлари ғолиб бўлдилар. Конкурсда Куйбишев район спорт мактаби ёш гимнастикачилари ҳам ўз маҳоротларини намойиш этдилар.

А. ЮСУПОВ.



СУРАТДА: спорт конкурсидан лавҳа.

А. Самкович сурати.

ТАЛАБАЛАР УЧУН

⊙ **ТАЛАБАЛАР шаҳарчаси кундан-кунга чирой очиб бормоқда.** Бу ерда осмонўпар ётоқхоналар, маиший хизмат комплекслари, қатор овқатланиш муассасалари, саноат ва озиқ-овқат дўконлари студентлар хизматида.

Яқинда маданий моллар ҳамда комиссион буюмлар билан савдо қиладиган магазинлар ишга туширилди.

БУГУН бу ерда хўжалик моллари магазини қурилиши бошлаб юборилди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

«ПАЗАНДАЛИК» ҲАФТАЛИГИ

⊙ **ТОШКЕНТ вилояти матлубот жамияти уюшмасининг ўрта кооператив ҳунар-техника билим юрти асосан дўкон сотувчилари ва ошпазлар тайёрлайди.**

Бу билим юртида «Сотувчилик» ва «Пазандалик» ҳафталиги ўтказилди. 100 дан ортиқ талабалар иштирок этган бу ҳафталикда «Нон маҳсулотлари», «Табиат инъомлари» каби кўргазмалар, ўқувчиларнинг нонга аталган газета ва альбомлари намойиш этилди. Айниқса, «Балли, қизлар» конкурси ҳаммага манзур бўлди.

О. ЮСУПОВ.

МУСИҚА ШАЙДОЛАРИГА

⊙ **БУГУН Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ҳузурида «Ўқитувчилик амалиёти базаси» студияси иш бошлади.** Студияга асосан музикага ихлос қўйган, лаёқати бор ва ўрганиш истагини билдирган олти ёшдан бошлаб барча мактаб ўқувчилари қабул қилинадилар. Машғулотларни асосан чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлган консерватория талабалари ўз ўқитувчилари раҳбарлигида олиб боришади.

Д. ЗОКИРОВА.

Умумхалқ байрамига тараддуд

«Наврўз» тантаналарида республикамиз пойтахти барча маҳаллалари ва микрорайонларининг аҳолиси, барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари иштирок этишади. Шу йил 1 март куни бўлиб ўтган «Наврўз» байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий комитетининг навбатдаги мажлисида район Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари ана шу ҳақда ахборот бердилар. Ҳозир «Наврўз» байрами билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш ниҳоясига етаяпти. Уларда аҳоли пунктларини, Тошкентнинг хиёбонлари ва майдонларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, халқ анъаналарини ташвиқот қилишга, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга катта эътибор берилади.

Республика ва шаҳар миллий-маданий марказларининг вакиллари ташкилий комитет аъзоларини «Наврўз» байрами тадбирларида биз фаол иштирок этамиз, деб ишонтирдилар.

Ташкилий комитет аъзолари — Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Расулов, Тошкентда ўтказиладиган «Наврўз» байрамининг бош режиссёри «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри Б. Иўлдошев, шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Қ. Фозилхўжаев ва бошқалар «Наврўз»га тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни ойдинлаштирдилар.

Ташкилий комитет мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов раислик қилди.

БИЛДИРИШ

Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси 1990 йил 6 март куни соат 10.00 да Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлислар залида очилишини маълум қиламиз.

Совет партия группасининг мажлиси ўша ерда 1990 йил 5 март куни соат 10.00 да бўлади.

Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 9.00 дан рўйхатга олинадилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Спорт

⊙ **ФУТБОЛ.** Кеча олий лига командалари мамлакат чемпионати ўйинини бошлашди. Днепропетровскда «Днепр» командаси Волгоградниинг «Ротор» футболчиларини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалабага эришди.

Кеча СССР Кубоги учун 1/8 финал мусобақасида икки учрашув бўлиб ўтди. «Торпедо» спортчилари «Черноморец» командасини 3:0 ҳисобида ютди. «Арарат» футболчилари эса Москванинг «Динамо» командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Шундай қилиб чорак финалда қуйидаги саккиз команда бир-бири билан учрашадиган бўлди. Марказий Армия спорт клуби—«Крылья Советов» (К), «Локомотив» (М) — «Торпедо» (М), «Динамо» (Мн) — «Динамо» (М), «Металлист» — «Динамо» (К).

⊙ **СУЗИШ.** Москвада бўлиб ўтаётган СССР чемпионатида таниқли спортчи, ҳамшаҳаримиз Сергей Заболотнов юз метрга чалқанча сузишда 56,57 секунд натижа кўрсатиб, ғалабага эришди.

⊙ **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Тошкентлик Радион Гатаулин Швеция пойтахтида ўтказилган халқаро мусобақада яна ғалабани қўлга киритди. Бу сафар у лангар билан сакрашда 580 сантиметрли марраии эгаллади.

Сиз бунга нима дейсиз?

ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН

Капитал қурилиши Бош бошқармаси, архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси ҳамда «Главташкентстрой» янги уйга кўчиб кираётганларга бўлажак квартираларига ўз қўллари билан сайқал беришни таклиф қилишмоқда.

Бу ҳолда уй эгаларига сарфланган воситалари ва материалларининг ўрни қопланади ёки уларнинг қиймати тасдиқланган смета ҳажмида тўланади.

Уй-жойларни фойдаланишга топширишнинг мавжуд тажрибаси шуни кўрсатадики, кўчиб кираётганларнинг талайгина қисми дастлабки йилиёқ квартираларини қайта жиҳозлайдилар, ўз дидларидан келиб чиқиб хоналарга қайта сайқал берадилар. Жумладан, оқланган деворларга гулқоғоз ёпиштиришади ёки бунинг аксини қилишади, деворларнинг бўёғи, кошинларнинг сони ва сифатини ўзгартиришади, эшикларга янги қулф-калит ўрнатишади ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси — ортиқча сарф-харажат.

Бундан ташқари, аслини олганда, фойдаланишга топширилаётган квартираларга сайқал бериш учун бир ярим-икки баравар кўп қамёб қурилиш материаллари, давлат ва фуқароларнинг шахсий маблағлари сарф бўлмоқда.

Капитал қурилиши Бош бошқармаси, архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси ҳамда «Главташкентстр о й » сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида қурилиши битказилган уй-жойларни улардан фойдаланувчи ташкилотларнинг балансига хоналари тугул сайқалдан чиқарилмаган ҳолда топширишни таклиф қилишяпти. Кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилаларга бериладиган квартираларгина бундан мустасно бўлади.

Ушбу вазифанинг ҳал этилиши «Главташкентстрой» ҳузурида махсус давлат-кооператив қурилиш бўлинмасини ташкил этиш имкониини беришн мумкин. Мазкур бўлинма янги уйга кўчаётганларни пардозлаш материаллари билан таъминлайди, уларнинг буюртмаси бўйича квартираларга сайқал беришни ниҳоясига етказади.

Бизнинг бу таклифимиз қурувчиларнинг вазифаларини янги уйга кўчаётганлар зиммасига юклашни асло кўзламайди. Биз уни муҳокама қилишингизни сўраймиз. Мулоҳазаларингизни кутамиз.

С. ОДИЛОВ,
архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармасининг бошлиғи.

А. АҲМАДЖОНОВ,
капитал қурилиши Бош бошқармасининг бошлиғи.

П. САРКИСОВ,
«Главташкентстр о й » бошлиғининг ўринбосари.

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

⊙ Акмал Икромов районининг Фарҳод кўчасида 124 оилага мўлжалланган 16 қаватли уй-жой биноси қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориляпти. 11-баланд иморат қуриш трести тасарруфидаги 75-қурилиш бошқармасининг Владимир Ситась бошлиқ илғор бригадаси қурувчилари ғайрат билан меҳнат қилишяпти.

Ҳозир бинонинг тўққизинчи қаватини тиклашга ҳозирлик кўрилаётган экан. Йигирма тўрт кишилик аҳил коллектида иш яхши ташкил этилган. Бригадада ҳар бир қурувчи ўз ишини яхши билади. Пайвандчилар деворлар орасига қўйиладиган мосламаларни бир-бирига пайвандлашяпти. Монтажчи ва дурадгорлар эса қаватдаги хоналар учун мўлжалланган йирик ҳажмли темир қолипларни ўрнатмоқдалар. Яна бир ишчи бетон қоришмаси ёпишиб қолмаслиги учун қолипларни мойлаяпти. Қурилиш устаси Қаҳрамон Жўраев қолипларнинг тўғри ўрнатилганлигини махсус ўлчов асбоби ёрдамида текшириб кўряпти. Чунки бино деворларининг сифатли чиқиши кўп жиҳатдан қолипларнинг ўз ўрнига аниқ ва мустаҳкам ўрнатилишига боғлиқ.

Бригадага тўрт йилдан бери Владимир Ситась етакчилик қилади. Аввало, у ҳақда икки оғиз сўз: 1954 йилда йигитлик бурчини Тошкентда ўтагач, хизматдан сўнг шу ерда қолиб ишлади. Оилали, икки фарзандининг отаси. Ўн бир йилдан бери қурилишда ишлайди. Ҳозирда шаҳримизнинг кўрки бўлиб турган «Москва» меҳмонхонаси, Космонавтлар проспектида жойлашган «Пойабзаллар уйи» биноси қурилишларида меҳнат қилган. Ўзи уста пайвандчи. Очиқ кўнгил, хушчақчақ қурувчининг вақтини олмай иш давомида уни суҳбатга тортдик.

— Владимир Петрович, айтингчи, бригадангиз қураётган бино ёнимизда турган 80 квартирали, темир-бетон «суякли» тўққиз қаватли бинодан нимаси билан фарқ қилади?

МАРОМ БУЗИЛМАСИН

— Аввало, бино таркибига тўхталсак, — қад ростлаётган бинодан нигоҳини узмай гап бошлади бригадир. — Таркибида махсус катта ўчоқларда юқори ҳароратда бўғирсоқ қилиб пиширилган лой бўлаклари, яъни керамзит бетон қоришмасидан яхлит қилиб қурилаётган бу бино унга нисбатан енгил, ўзидан иссиқ-совуқни кам ўтказади, қиймати ҳам 20 фоизгача арзон, устига-устак жойни ҳам иқтисод қилади. Бир хил жойни эгаллаган нариги бинода 80 та оила истиқомат қилса, биз қураётган бинода қаватларнинг кўплиги ҳисобига 124 оила яшайди. Бу ҳам кундан-кунга ўсиб бораётган шаҳримиз аҳолисини уй-жой билан таъминлашда, ерларни тежашда аҳамиятга эга. Яъни бир муҳим афзаллиги борки, зилзилага бардоши жиҳатидан бу бино анча чидамли. Ишларни олиб бориш жараёни ҳам соддароқ. Қаватлардаги ҳар бир хонага мўлжалланган темир қолипларни яхшилаб ўрнатиб олсак, у ёғи ҳеч гап эмас. Нариги бинони қуриш учун аввало, бутун бир завод хизмат қилиши керак. Чунки у бино ўн-ўн беш хил темир-бетон мосламалардан таркиб топган. Бу бино қурилиши учун эса бетон қоришмаси келтирилса, кифоя. Қолганини ўзимиз тайёрлаб, қураверамиз.

— Хоналар сал торроққа ўхшайдими?

— Йўқ, сизга шундай туюлаётгандир. Бино асосан 1, 2 ва 3 хонали квартирадан иборат. Масалан, бир хонали квартирани олайлик. Хонанинг кенглиги 17,7 квадрат метр, ошхонаси эса 11. Ваҳоланки, норма бўйича ҳар бир киши учун 9—10 квадрат метр бўлиши керак. Яна бир гап: Лоҳутий кўчасидаги тажриба сифатида қурган биринчи биномиз оилаларга манзур бўлди. Сўнг бу хилдаги уй Б. Хмельницкий кўчасида қад ростлади. Мана учинчи жойда ҳам қура бошладик. Бундай биноларни яна кўплаб қурамиз.

— Олтинчи қаватдаги шовқин биринчи қаватда ҳам бемалол эшитилиб турибди-ку, бунга нима дейсиз. Қаватлардаги деворлар оралиғига махсус овоз ютувчи мосламалар қўйилмай, деворлар бириктирилаверганга ўхшайди-ку. Тасаввур қилинг, уй фойдаланишга топширилгач, агар ўн олтинчи қаватдаги хонадон соҳиби деворга мих қоққудек бўлса, биринчи қаватдагилар ҳам эшитса...

— Гапингиз тўғри, — деди бригадир қизариб. — Бу қурувчиларнинг эмас, лойиҳачиларнинг айби. Ўйлайманки, бора-бора бино лойиҳасига бу камчиликни тузатиш учун зарур ўзгаришлар ҳам киритишар. Бу қўпроқ лойиҳачиларнинг иқтидорига, қолаверса, қурилиш материаллари сифатига боғлиқ. Ҳозирча, биз қоғозда кўрсатилганни бўйича иш қиляпмиз. Лекин таъминот масаласида қийналяпмиз...

Дарвоқе, бу ерда қурилиш бошқармаларидаги умумий касаллик — қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаслик, коллектив ҳимоя воситаларининг етишмаслиги ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Мазкур қурилаётган бинонинг биринчи қаватидан саккизинчи қаватигача зинапоя ва майдончалари ҳамда қаватлардаги очиқ жойлар коллектив ҳимоя воситалари ўрнига 16 миллиметр йўғонликдаги мосламалар билан вақтинчалик муҳофазаланган. Бундай манзарани шаҳримиздаги барча қурилиш объектларида кузатиш мумкин. Фақат зинапоялари муҳофазалаш учунгина улардан 160—200 метри сарфланган. Қаватлардаги очиқ жойларни муҳофазалаш учун сарф бўлгани-чи? Кейинчалик уларнинг кўплари ишлатилмай, ташлаб юборилади. Қурилишлардаги ана шундай исрофгарчиликлар оқибатида шаҳримизда ҳар йили бир неча юз тонналаб соф пўлат йўқ бўлиб кетаяпти. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди!

Қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаслик эса иш мароминг бузилишига олиб келяпти. Материал келмай қолганда ишчиларнинг бўш қолиши, сўнг планни бажариш учун баъзи ҳолларда меҳнат қонунчилигини бузиб, шанба ва якшанба кунлари ҳам ишлаш қонунга мутлақо тўғри келмайдиган ҳолдир.

Шаҳримизда қурилиш борасидаги ана шундай камчиликларга тубдан барҳам беришга жиддий эътибор берадиган пайт келди!

М. ОТАХОНОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг битирувчиси.



⊙ КЕЧАГИ ЎҚУВЧИ — БУГУН ТЎҚУВЧИ.
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Жамила Мавлонова.

Т. Каримов сурати.

Янгиликлар — Воқеалар — Ҳушхабарлар

«Зиё» бирлашмаси

⊙ МАКТАБ иқтисодиёти масалалари билан бевосита шуғулланувчи бу тажриба бирлашмаси «Зиё» номи билан аталмоқда. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети ҳузурида фаолият кўрсата бошлаган ушбу бирлашма билим масканлари иқтисодий моделини яратиш, хўжалик механизмлари ишлаб чиқишга дадил киришди.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлигининг бевосита кўмаги асосида иқтисодий-педагогик масалаларни ҳал этиш тадбирлари ҳам кўрилди. Белгиланган хайрли ишлар ўзининг дастлабки ижобий самараларини бермоқда. Мактабларда компьютер саводхонлигини ошириш билан шуғулланувчи тўгараклар ҳам очилди.

Пулли хизмат асосида ташкил этилган бундай тўгараклардан бири яқинда шаҳримиздаги 160-мактабда иш бошлади.

Мактабда чет тилларини ўрганиш тўгараги машғулотлари ҳам йўлга қўйилди. Юқори синф ўқувчилари кучи билан спорт ашёларини тайёрлашга ҳам киришилди. Бу ерда мактаб ателъесини очиш ҳам режалаштириб қўйилди.

Ўтган қисқа вақт ичида пулли хизмат туфайли педагогик коллектив тўққиз минг сўмлик жамғармага эга бўлди. Ана шу маблағнинг бир қисми енгил атлетика, гимнастика залини жиҳозлаш учун сарфланади.

А. АЛИЕВ.

Ҳамкорлик асосида

⊙ ТРАКТОРСОЗЛАР даҳасида жойлашган 36-ўрта ҳунар-техника билим юрти Тошкент Давлат университетининг химия факультети билан шартнома тузди. Шартнома низомига кўра ёз ойларида билим юрти химия-лаборант факультетига киручи қизлар, имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, конкурсдан муваффақиятли ўтсалар, Тошкент Давлат университети талабаси деган номга сазовор бўлади. Талаба икки йил билим юртида таълим олгандан сўнг беш йил дорилфунунда ўқийди. Бу йил шу факультетга ўттиз нафар қиз қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Суратли репортаж









ШИФОКОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАСКАНИ

Суратказ Х. Мирзакаримов олган бу суратларда «ЎзгипроНИИздрав» институтининг лойиҳаси асосида қурилаётган шифокорлар малакасини ошириш институти биноси ва унн бунёд этишда фаол қатнашаётган қўли гул қурувчилар акс эттирилган.

Шарнф Шодиев ва Шербой Ҳайдаровлар моҳир дурадгорлардир. Қурувчи Абдуғаффор Қобилов эса ўзаро мусобақада яхши натижага эришмоқда. Институт биноси ва ётоқхона қурилишнн бош пудратчи — «Главташкентстрой»нинг 8-қурилиш трести 2-монтаж бошқармаси ва 4-қурилиш трестининг 38-бошқармасидаги С. Кустов етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси бунёдкорларн олиб боришмоқда. Ётоқхонани «Ташгипрогор» институти лойиҳалаган.

Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш конгресс раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, унда Никарагуада бўлиб ўтган умумий сайловдан кейин бу мамлакатдаги вазият ҳақида, маъмурият бу сайловнинг натижаларини қандай баҳолаши ва Қўшма Штатлар бундан буён қандай иш тутиши ҳақида ахборот берди.

Суҳбатдан кейин сенатдаги демократик кўпчилик раҳбарининг ўринбосари Алан Крэнстоннинг айтишича, Оқ уйнинг бошлиғи, шу сайлов якунлари муносабати билан яқин вақт ичида Қўшма Штатларнинг шу мамлакатга нисбатан ўтказаётган сиёсатида катта ўзгаришлар бўлади, деб шама қилган.

* * *

Оқ уйда АҚШ президенти Жорж Буш билан Вашингтонга ташриф буюрган Ғарбий Берлин бургомистри Вальтер Момпер ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Германияни қайта бирлаштириш масаласи суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди.

Гарчи учрашув якунлари хабар қилинмаган бўлса ҳам, Ғарбий Берлин социал-демократларига мансуб бўлган Вальтер Момпер Вашингтонда чегаралар тўғрисидаги масалада Канцлер Колнинг позицияси «мутлақо нотўғри» деб айтган. У, жумладан, Ғарбий Германия раҳбари иккала Германия давлатини қайта бирлаштириш жараёнини қистовга олиш билан бирга шу пайтга қадар бўлажак ягона Германиянинг шарқий чегаралари бузилмаслиги тўғрисидаги масала хусусида аниқ ва равшан бир гап айтмаганлигига ташвиш билдирди.

Бироқ Германия давлатчилиги муаммоларини ҳал этишнинг турли жиҳатлари борасида Вашингтон билан Боннинг ҳамма қарашлари ҳам бир-бирига ўхшаш эмас. Чунончи, Оқ уйнинг расмий вакили сешанба куни бу ерда гапириб, президент Буш билан ГФР канцлери Коль Германияни қайта бирлаштириш муаммоси хусусида, жумладан, Германия давлатлари бирлашганидан кейин шарқий чегаралар хусусида турли позицияларда турганликларини эътироф этди.

⊙ ОТТАВА. Бу ерда «Очиқ осмон»га бағишланган Оттава конференциясининг иши ниҳоясига етди. Гарчи ўртага қўйилган мақсадга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим бўлса-да, бу анжуман халқаро турмушда катта воқеа бўлди. Бу мақсад давлатларга бир-бирининг территориясидаги ҳарбий фаолиятни осмондан, самолёт ичидан кузатиб бориш ва шу тариқа мазкур фаолиятнинг йўналиши хусусида вужудга келган шубҳа-гумонларни тарқатиб юбориш имкониятини бера оладиган шароитни вужудга келтиришдан иборат.

⊙ ВАРШАВА. Польша Президенти Войцех Ярузельский Варшавада бу ерга расмий ташриф буюрган Исроил ташқи ишлар министри Моше Аренсни қабул қилди. Польша билан Исроил ўртасида дипломатия муносабатлари яна ўрнатилиши муносабати билан томонлар мамнуният изҳор этиб, бу ҳодиса иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликда сифат жиҳатдан янги босқич очажагини таъкидлаб ўтдилар.

Аренс Исроил президенти Хаим Герцогдан Ярузельскийга мактуб топширди, бу мактубда мазкур мамлакатга расмий ташриф буюриш таклиф қилинган. Таклиф минатдорчилик билан қабул этилди. Ташриф муддатлари дипломатик йўл билан келишиб олинади.

⊙ МАНАГУА. Никарагуа пойтахтида Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбариятининг шу ташкидот фаоллари билан биргаликдаги кенгаши бўлиб ўтди. Фронт тарафдорларининг кўп минг кишилик митингида сўзга чиққан Даниэль Ортега кенгашда қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттирди.

Ҳукуматнинг уюшқоқлик билан тинч алмашинуви рўй бериши учун Миллий озодлик фронти аксилинқилобни кучлар даржол тарқатиб юборилиши ва қуролсизлантирилишини, контраслар ўғирлаб кетган никарагуаликлар бўшатиб юборилишини талаб қилди.

(ТАСС).

Ўткир ҲОШИМОВ:

„ЧЎҚУР МЕҲР



— Ўткир ака, суҳбатимизни яқинлашиб келаётган Наврўзи олам-дан бошласак. Шукроналар бўлсинки, халқимизнинг азалий удумлари яна тикланаётир. Яратиш, яшариш айёми бу! Фақат Наврўз эмас, умуман халқимизнинг турли удум ва байрамларига муносабат ҳақида қандай фикрдасиз?

— Одам фақат меҳнат қилиш учун яшамайди. Меҳнат бу меҳнат. Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, байрам қилиш инсон ҳаёт тарзининг катта ва жозибали қисми. Бундан ташқари, байрам дегани ҳар қандай халқнинг тарихини, маданий савиясини, дунёқарашини ифодаловчи ижтимоий ҳодиса. Афсуски, биз кўп йиллар давомида ўзимизга нимаики «ғалатироқ» туюлса, қораладик, «эскилик сарқити» дедик. Халқимизнинг нақадар жозибали удум ва байрамлари бўлган: Наврўзи олам, узум сайли, қовун сайли, гап-гаштаклар, улоқ (кўпкари)лар, қишда қилинадиган тўкмалар, қорхатлар, никоҳ тўйи, «тортишмачоқлар», аскиябозлик, «келинсалом», бешик тўйи, йигитлар базми, қизлар базми... Ҳаммасини эскилик сарқитига чиқардик. Ҳаммасига қарши «қаҳрамонларча» курашдик ва охир-оқибат... мағлубиятга йўлиқдик. Бу — маънавий мағлубият эди! Бешикни сарқит, дедик. «Ҳой, биродар, оналару бувиларимиз нима учун минг йиллар бўйи болани бешикка белаб, алла айтган, улар шунчалик эси пастмиди», демадик. Ёш оналар йиғлаган гўдагини алла айтиб эмас, муштлаб ухлатадиган бўлди.

Суннат қилишни «сарқит» дедик. Шуни баҳона қилиб, одамлар қамоққа тиқилди. Ҳолбуки, бу одатни қораланларнинг ўзи боласини ими-жимида суннат қилиб келди. Охир-оқибат медицина исбот қилдики, бизнинг иссиқ иқлимда ва умуман, покизалик нуқтаи-назаридан қараганда, бу иш фақат фойда келтираркан.

Наврўзни динга боғладик. Ҳолбуки, бу байрамнинг ислом динига мутлақо алоқаси йўқ эди. Ваҳоланки, ҳар йили 1 январь — Янги йилни тантана қиламиз. Асли қараганда Рождество байрамининг келиб чиқиши айнан динга боғлиқ. Фақат исломга эмас, христиан динига!

Биз салкам 75 йил мобайнида «Қуръон»ни қоралаб келдик. Қизиқ, нимани ҳақорат қилаётганимизни, нимага ҳақорат қилаётганимизни ўзимиз билмаймиз. «Қуръон» ёмон — вассалом! Ҳолбуки 14 асрдан бери Ер куррасидаги миллионлаб одамлар уни кўзига суртади. Шукроналар бўлсинки, қайта қуриш, ошкоралик сиёсати туфайли «Қуръон»нинг замонавий ўзбек тилига таржимаси «Шарқ юлдузи»нинг 3-сонидан чиқа бошлайди. Ишонч билан айта оламанки, бу ниҳоятда ноёб, мураккаб ва муҳим тарихий ёдгорлик. Унда одамзодни ёмонлика, адоватга, ҳаром-ҳаришга ундовчи калом йўқ! Шундай экан, халқни яхшиликка чорлайдиган, ҳамжиҳатликка, бир-бирини иззат-икром қилишга чақирадиган, инсон боласининг кўнглига эзгулик уруғини сепадиган ёдгорликлардан, удумлар, байрамлар, анъаналардан нега бунчалик қўрқиш керак?

Мексикада ҳар йили ноябрь ойининг бошида икки кун байрам бўлади. (Умуман, турли байрамлар жуда кўп). Биринчи куни азиз-авлиёлар хотирланади. Эртасига етти яшардан етмиш яшаргача, ҳамма ота-боболарининг мозорини зиёрат қилади. Тонготар байрам! Мозористонларга одам сиғмай кетади. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Агар ота етти яшар ўғилчасини қабристонга етаклаб бориб, «Бу ерда сенинг бобонг ётибди, буниси — бувингнинг қабри, мана буниси ҳоланг ёки тоғанг, улар яхши одам эди.

сен ҳам яхши бўл, бировга ёмонлик қилма, одам охир-оқибат вафот этади», деса, бунинг нимаси ғайриинсоний? Ўтганларнинг хотирасини шод қилиш марҳумлар учун эмас, аввало тириклар учун керак. Хайриятки, биз бу оддий ҳақиқатни энди тушуна бошладик. Марказий телевидениеда дин пешволари ҳафта сайин чиқиб, одамларни одамгарчиликка ундай бошлади. Минг раҳмат. Ўзбекистон телевидениесида ҳам шундай хайрли иш бошланди. Тушунинг ахир, одамлар ҳудбин, эътиқодсиз, бемеҳр бўлиб кетган шу паллада, шояд уларнинг кўнглига жиндай зиё тушса. Савоб ва гуноҳ, халол ва ҳаром деганнинг фарқини англай бошласа.

Наврўз байрамининг халққа расман қайтариб берилиши ниҳоятда адолатли иш бўлди. 70 йил ичида минг хил янги удумлар, байрамлар, тантаналар ўйлаб топилди. Баъзилари халққа манзур келди, бошқаларини ўлганнинг кунидан адо этди. Чамамда, шу янги удумлар орасида энг доно таклиф — бундан тўрт-беш йил илгари тадбиқ этилган «Хотира куни» бўлди. Менимча, Наврўз тикланиши эвазига Хотира кунидан воз кечиш инсофдан эмас. Наврўз ўз йўлига. Хотира куни эса бошқача — ниҳоятда инсоний тадбир. Бу удумни ҳаётга қатъий тадбиқ қилиш лозим. Бироқ Хотира кунини 9 Майда нишонлаш, менимча мантиқдан узоқ. Албатта, 9 Май мамлакатимизнинг табаррук куни. Лекин кимнингдир ота-бобоси, хеш-ақраболари урушда эмас, ўз ажали билан вафот этган бўлса, бу — унинг айби эмас-ку! Менимча, Хотира кунини албатта нишонлаш керак ва бу удумни апрель ойига ўтказмасдан, (эҳтимол Наврўздан олдинги ёки кейинги ҳафтада) ўтказган маъқул. Негаки, бу паллада мозористонларни ободонлаштириш, гул ва дарахт кўчатлари ўтказиш мумкин бўлади. (Ростини айтсам, бизнинг аждодларимиз ётган жойга ўхшаш хароб қабристонлар дунёнинг бирон жойида йўқ. Уялиб кетади одам!).

Хуллас, ақлимиз етмаган нарсаларнинг ҳаммасига муғт дўлайтиравермай, аждодларимиз амал қилиб келган энг яхши удумларни авлодларга қолдириш — бизнинг бурчимиз!

—Халқимиз табиатни, ерни севадиган халқ. Бизда азалдан эрта баҳорда ариқ-анҳорларни тозалаш, қирғоқ-соҳилларга мевали дарахтлар ўтқазиш одат бўлган. Бу одат ҳозир ҳам бор. Лекин ҳозир анҳор-ариқларга қараб бўлмайди: ҳаммаёқ ифлос! Эшитишимизча, Дўмбиробод ва Қозирободининг чор-атрофи боғ-роғлардан иборат экан, болалар кўчадан ўтган ариқлардан сув ичиб, яйраб-чўмилиб кунни ўтказаркан. Ўша сувлар, ўша жаннатсимон жойлар қани? Майли, ривожланиш, ўсиш ўз йўлига. Лекин уларни ҳам сақлаб қолсак бўларди-ку!

— Гарчанд аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни айтай. Фақат биз эмас, болаларимиз ҳам яқин ўртада ариқдан сув ичолмайди. Эмин-эркин чўмила олмайди! Гап фақат тараққиётда эмас. Бундан ўн йилча бурун Қора денгиз бўйида дам олаётганимда куйбишевлик мўйсафид билан ҳамхона бўлиб қолдик. «Нон шаҳрида ҳалиям бозорларда тўкин-сочинликми, қулф ишлатилмайдими?» деб сўради. Билсам, 30-йилларнинг очарчилик дамларида бир муддат Тошкентга келиб яшаган экан. Кулдим. «Ҳозир ҳаммаёқ электроника билан жиҳозланган, аммо ўғрилик камаймаяпти», дедим.

Биринчидан, ҳозир шаҳримиз аралаш-қуралаш қурама шаҳар.

Одамлар қанча уюшиб яшаса, бир-бирини қанча яхши таниса, шунча яхши. Ақалли ёмон қилиғи учун қўшнисидан уялади: Ҳеч ким бир-бирини танимаганидан кейин бир-биридан андиша қилиб ҳам ўтирмайди.

Иккинчидан, кўплаб фожиаларимизнинг яна бир боиси бор. Шахсий мулк деган тушунча бўлмас экан, шахсий масъулият деган тушунча ҳам бўлмайди. Дейлик, сизнинг ўз уйингиз, ҳовли-жойингиз бўлса, жонингиз ачиб, қараб турасиз. Таъмирлайсиз, эшик олдига гул экасиз, супуриб-сидирасиз. Чунки уй — сизники. Дарвоза олдидан оқиб ўтадиган анҳор ҳам сизники. Унда сизнинг болангиз ҳам чўмилади. Кўпқават-ли «дом»а эса — ҳамманики ва айни пайтда ҳеч кимники эмас. Ёнидан оқадиган анҳор ҳам умумники ва ҳеч кимга тааллуқли эмас. Хоҳласа туфлайди, хоҳласа ахлат тўкади...

Учинчидан, умуман, одамлардан имон қочди. Ахлатини сувга оқизадиганлар маҳаллаларда ҳам етарли. Илгари «Бандасидан уялмасанг, худодан қўрқ» деган гап бўларди. Ҳозир бандаси тугул худодан ҳам заррача қўрқмаслик оддий гапга айланган. Ҳеч кимдан қўрқмайдиган, ҳеч нимадан уялмайдиган кишилардан ниманиям кутиб бўларди?.. Аслида, бунинг учун фақат одамлар айбдор эмас. Майли энди, гапни кавласак, гап чиқаверади...

— Ота-боболаримиз турмуш тарзидан ўрнак олманмиз чоғи. Илгари тошкентликларда шаҳар ҳовли, дала-ҳовли деган жойлар бўларди ва аждодларимиз ёз ойларида далага чиқиб кетишарди. Айтмоқчиманки, дала-ҳовлининг қадри бизнинг давримизда жуда билиняпти. Айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи ҳамшаҳарларимизга. Афсуски, кишиларни дала-ҳовли билан таъминлаш масаласи муаммолигича қолянти.

— Агар биз меҳнаткашлар эҳтиёжини қондириш йўлида ҳеч иш қилмаяпти десак, ноинсофлик бўлади. Қишлоқ аҳлини томорқа билан таъминлаш йўлида

Хотин-қизлар кенгаши фаолиятидан

РАҲМ-ШАФҚАТ ТАНҚИС БЎЛМАСИН

⊙ Болани ташлаб кетиш учун нечта ҳужжат тўлдирилиши керак деб ўйлайсиз — учтами, ўнтами? Йўқ, биттагина: боласини ташлаш ҳақидаги ариза. Бундай аризалар биргина Тошкентимизда ўнлаб топилади. «Ариза» сиз кўча-кўйга, ахлат қутиларига ташланаётгани яна қанча? Бу яхши оқибатга олиб келмайди-ку! Кимни айблаш керак? Қизларга тўғри тарбия беролмаётган мактабми, ота-она ёки маҳаллами? Ҳукм чиқаришга ошиқмайлик. Хотин-қизлар кенгаши қаёққа қараяпти? — дейсиз беихтиёр. Маҳаллаларда уларнинг фаоллиги аҳолига ойнадек маълум. Аммо кўп қаватли уйларда-чи?! Ёки ётоқхоналарда-чи? Ваҳоланки, тақланаётган болаларни дунёга келтираётган аксарият ётоқхоналарда яшовчилар-ку! Уларни ҳам таълим-тарбияга, тўғри йўлга солиб турадиган кенгашлар борми? Бундай беҳисоб саволлар атрофида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси Ҳамида Ғуломова билан бафуржа суҳбатлашдик.

— Мумкин бўлса гапни узоқдан бошласам. Кенгашимиз болалар фонди ҳамда раҳм-шафқат жамияти билан яқиндан алоқада. Яқинда кенгашимиз бу фондларга 300 сўм пул билан ёрдам берди. Болалар уйида аҳвол кутилгандек эмас, маблағ етишмаслиги кўпдан бери асосий қийинчилик бўлиб келмоқда.

— Ҳамида Қодировна, корхоналар, ташкилотлар ёки машҳур кишиларнинг болалар уйига маблағ ажратаётганини кўп эшитиб қоламиз. Ахир ўша маблағ-чи?

— Ҳа, буни биз ҳам эшитамиз. Лекин буни қатъий назоратга олувчи кимса топилмайди. Бизнинг асосий ишимиз аёллар оғирини енгил қилиш. Кенгашимизга мурожаат қилган оилага оз бўлса-да ёрдамимиз тегса, ишимиз самарасини кўрамиз.

Маълумки, ўзга жумҳуриятларда уч нафар фарзандли она кўп болали ҳисобланади. Уларга алоҳида ғамхўрлик қилинади. Бизда лоақал она мактаб учун форма изламаса эди. Бу нарсада қандайдир тўсқинлик бор демоқчи эмасман, лекин эътибор ҳам йўқ-да. Масалан, Фрунзе районида яшовчиларнинг 60 фоизи аёллар. Кичик-кичик касаначилик ишхоналарини очиш мумкин эмасми? Бу энди маиший хизматнинг нечоғлиқ паст даражада эканлигидан далолат беради.

Яна боғча билан болаларнинг ҳаммаси таъминланмагани шаҳримиз бўйича бир хил, сабаби — етишмаслиги. Ёки корхона боғчаларида бўш жой қолса ҳам ҳамшаҳарларимизникини олишмайди. Ўз-ўзидан равшанки, боғчага боласини жойлаштира олмаган аёл ишлаш имкониятига эга эмас. Оналар иш билан бандлиги туфайли болалар кўпинча қаровсиз қолаяпти. Иложи борича уларни кам соатли ишга ўтказиш кечиктириб бўлмайдиган масала, деб ўйлайман. Ҳозир албатта, бу борада дастлабки иш бошланди. Хусусан, «Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикаси, Тошкент тўқимачилик комбинати сингари корхоналарда кечки сменага ёш болали аёллар қўйилмайди. Шунингдек, ёлғиз оналар муаммоси биринчи галдаги масалалардан бўлиб турибди.

— Улар учун яратиб берилаётган имтиёзлар кўплигидан, ўзларини бемалол имтиёзлилар деб фахр билан аташмаяптими, умуман бундай имтиёзлар уларнинг кўпайиши учун кенг йўл очиб бермаяптимикан?

— Менимча ҳам шундай. Буни бир мисол тариқасида айтиб берай. Яқинда шундай ёлғиз она Людмила Н. кенгашимизга мурожаат қилиб келди. Икки боласи билан Новомосковский кўчасида яшар экан. «Турар жойимда тоза ҳаво йўқ, ҳаммаёқ заҳарли кимёвий дорилар ҳидидан иборат. Шаҳарнинг марказидан жой олиб беринглар», — деб дўқ урди. Ахир уларнинг ҳар бирига бундай имкон яратиш даражасида эмасмиз-ку! Шундай деб тушунтирсак, «Мен имтиёзлиман, тўғрилашингиз шарт», дейди. Афсуски, бундай ҳол охирги пайтларда аёлларимиз орасида тез-тез рўй бераяпти. Айниқса, «Таштекстильмаш» заводи, тўқимачилик комбинати каби корхоналарнинг қизлар ётоқхоналарида кўпроқ содир бўлаяпти. Тўғри, улар турли жойлардан келишади. Кўпчилиги олий ўқув юртида ўқиш истаги билан келади. Аймлари тушуниб туриб, бундай эркинликни суиистеъмол қилсалар, баъзилари билиб-билмай эгри кўчага кириб қоладилар. Ота-оналари бўлса улардан ҳадеб хабар олиш имконига эга эмаслар.

— Ҳамида Қодировна, ҳали сиз маҳалла муаммолари ўзимнинг бошимдан ўтган деганингизда нимани назарда тутдингиз?

— Маҳаллада ҳар бир хонадон кўп болали. Масалан, Сағбонни олинг. У ерда на газ, на канализация бор. Ҳар йили 4—5 тонналаб кўмир тушириб олишнинг ўзи бир ташвиш. Сўнгги пайтларда мағзава тўкадиган жой йўқлигидан қийналишади. «дом»ларнинг ҳовлисидаги болалар ўйнайдиган жой ҳақида-ку, умуман гап бўлиши мумкин эмас. Мана шу оддий болалар майдончасининг йўқлиги учун Сағбон маҳалласи болалари кўпинча Октябрь бозорига, Қўйлиқ маҳалласидагилар Қўйлиқ бозорига ёки Бирлик мавзеидаги болалар эса Фарҳод бозорига келиб «ўйнайдилар».

— Яқинда жумҳуриятимиз халқ депутатлиги ҳамда маҳаллий Советларга сайланганлар орасида шаҳримизнинг талайгина вакиллари ҳам бор эди. Уларнинг сайловолди учрашувларида танштирган ҳаракат дастурларида деярли кўпчилиги касаначилик ишини ривожлантиришни уқтиради. Бу нарсадан аёлларга нисбатан шу ишни таклиф қилаётган корхона манфаатдормасми?

— Ҳа, уларнинг плани бор демоқчисизда. Ишлаш ниятини билдираётган аёлларга бундай план қўйилиши шарт бўлмаслиги керак. Чунки аёл учун зарури оиласи, болалари. Шулардан ортса, ишни зиммасига олади. Моддий манфаатдорлик зарур бўлса, планга ҳам қараб ўтирмай меҳнат қилади.

— Ўзингиз аёл сифатида оналаримиз оғирини енгил қилувчи қандай йўлларни кўра оласиз?

— Буюртма столлари Иттифоқимизнинг барча жумҳуриятларида жуда яхши йўлга қўйилган. Бизда фақат ишлаб чиқариш корхоналаридагина мавжуд. Нега буни турар жойларда, маҳаллаларда ташкил қилиш мумкин эмас. Эрта билан зарур буюмми, озиқ-овқатми буюртма столига айтиб қўйсангизда, ишдан қайтаяч, тахт қилиб қўйилган ўша нарсаларни олсангиз. Ишдан толиқиб қайта туриб, магазинга ҳам чопмайсиз, навбат кутиб асабингиз ҳам бузилмайди.

— Сизнингча, шаҳар хотин-қизлар кенгаши ўз олдидаги мақсадига эришаяпти, деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ. Ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак. Маълумингизки, яқиндан 5-синфгача бўлган мактаб ўқувчилари текин нонушта қила бошладилар. Шу нарсалар сифати ва тақсимотини текшириш бизнинг ҳам вазифамизга киради.

Жазо муддатини ўтаб келган она болалар уйидаги фарзандини олиб кетиш учун паноҳ тополмайди. Уйли бўлиши учун ишхонадан навбатга туриши керак, ишлаш учун прописка зарур. Пропискага эса жой майдони бўлмаса қўймайди. Хўш, нима қилади? Кўринмас тўсиқлардан ўтишга ўзида куч тополмайди ва боласини етимхонадан олишга қурби етмайди. Оқибат яна ё дайдиликни танлайди ё қамоққа қайта тушиш йўлини излайди. Биз жамиятда адашган, сарсон бўлган бундай кишиларга ҳам ёрдам беришни унутмаслигимиз лозим. Раҳм-шафқат асло танқис бўлмаслиги керак, ахир улар ҳам Аёл, улар ҳам ОНА!

Суҳбатдош
Ф. ҲУСАНОВА.

Советлар мамлакатида

⊙ МОСКВА. «Биз киммиз ва қаерга кетяпмиз? Бизнинг ижтимоий тузумимиз ва ўзгаришлар йўналиши» — Москвада ана шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатини совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети билан «Ишчилар синфи ва ҳозирги дунё» журналининг редакцияси уюштирди.

⊙ ПЕТРОПАВЛОВСК — КАМЧАТСК. Шаҳар офицерлар уйида халқ депутатлари мактаби очилди. Сайловга тайёргарлик даврида РСФСР ва маҳаллий советлар халқ депутатлигига номзодларга ёрдам кўрсатиш, минтақа муаммолари ва бу ерда жойлашган бўлинмалар ҳақида ахборот бериш мазкур мактабнинг вазифасидир.


⊙ МИНСК. Линда заводида омухта ем тайёрлайдиган кичик қурилмаларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу қурилмалар ёрдамида икки киши уч-тўртта ферманинг аъло сифатли омухта ем билан осонгина таъминлай олади.

⊙ УФА. «Ҳалокат табобатининг долзарб масалалари» мавзусидаги конференция темир йўлда рўй берган авария оқибатларини тугатишда қатнашган табобат хизматининг иш якунига бағишланди. Конференция Уфа шаҳрида очилди. Унда портлаш пайтида куйиб жабрланган кишиларни қутқариб қолишда ёрдам берган хорижий мутахассислар қатнашдилар.

⊙ ТБИЛИСИ. Тбилисидаги энг катта — 2500 киши сиғадиган залда «Ёш овозлар» эстрада қўшиқлари жумҳурият мусобақасининг якунловчи давраси бўлди. Шу куни зал одамлар билан лиқ тўлди. Концертдан тушган пул кўп болали оилалар ва ёлғиз оналар ҳисобига ўтказилди.

⊙ ЛЕНИНГРАД. АҚШ денгиз пиёдалари президент оркестрининг мусиқачилари «Октябрь» залига тўпланган барча томошабинларни саноқли дақиқаларда ўзларига «асир» қилиб олдилар. Коллектив мамлакатимиз бўйлаб гастроль сафарини нишонасига етказди. Вашингтонлик меҳмонлар Москва, Киев, Минск ва Львов шаҳарларида ҳам концертлар беришди.

(ТАСС).



⊙ КАЛУГА ОБЛАСТИ. Евгений Фёдорович Ворожейкин қирқ йил муқаддам, Уралск университетини битирганидан сўнг юксалиб бораётган фан ва тинч атом шаҳри Обнинскда ўқитувчилик қила бошлаган эди.

Унинг уйида сақланаётган минглаб суратлар, юзлаб альбомлар шаҳар тарихи, унинг кишилари, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: Евгений Фёдорович Ворожейкин.



⊙ ТУРКМАНИСТОН ССР. Бутуниттифоқ навларни синаш инспекцияси қовуннинг янги «Мурғоб» навини кенг қўллаш учун тавсия этди. Янги навни яратишда Туркманистон илмий-тадқиқот институтининг олимлари билан бирга Мари областининг Мурғоб районидаги «Ленинград» колхозининг миришкори Инжир Бердниёзов ҳам фаол иштирок этди. Инжир оға сараланган уруғларни қаторасига 15 йил давомида экиб келди.

СУРАТДА: Инжир оға «Мурғоб» навли қовун билан. ТАСС суратлари.

Сўранг, жавоб берамиз

К. СОТИБОЛДИЕВ: Мен 1,5 ой бурун маъмуриятга ишдан бўшаш ҳақидаги аризани бериб қўйган эдим. Ишдан бўшашимга 15 кун қолганида маъмурият менга ҳайфсан (ишга кеч келганим учун) эълон қилди. Шу тўғримми?

Жавоб: Ҳа, тўғри. Ишчи ёки хизматчи ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш учун аризани меҳнат интизомини бузишдан олдин бериб қўйган бўлса ҳам маъмурият интизомий чора кўришга ҳақли. Чунки ишчи ёки хизматчининг корхона билан муносабати ишлаб бериш муддати тугаганидан кейин битади.

⊙

К. ТУРСУНОВ: Бизнинг ҳозир эгаллаётган касбимиз баландликда монтаж ишларини олиб боришдан иборат. Айтингчи, баландликда ишлаш нима? Қайси белгидан баландлик бошланади? Агар монтажчи медицина хулосасига кўра баландликда ишлашга рухсат этилмаса, у ҳар 3 томони тўсиқлар билан ўралган супача устида ишласа бўладими?

Жавоб: Амалдаги қоидага кўра баландликда ишловчиларга ер сатҳидан беш метрдан юқорида бажариладиган ишлар киради. Бундай ишларни махсус тўсиқлар билан ўралган супачаларда бажарилиши тегишли конструкцияларда мувофиқлаштирилган. Шунинг учун ҳам махсус супача тепаликдан йиқилиш ҳолларининг олдини олишда ва ҳавфсизликни таъминлашда ишончли восита ҳисобланади. Агар медицина хулосасига кўра ишчи бундай монтаж ишларини олиб боришга нолойиқ деб топилса у ҳолда бошқа иш билан шуғулланиши керак.

⊙

У. ХОЛМАТОВ: Мен ишлаётган комбинатда баъзи ишчилар текин сут билан таъминланадилар. Менинг ишим ҳар хил химикатлар билан боғлиқ. Шундай бўлса ҳам маъмурият иш стажимни ҳали кам деб сут беришга рухсат этмаяпти. Аслида сутнинг бепул берилиши ҳақида амалда бирон-бир тартиб жорий этилганми?

Жавоб: Давлат корхоналари, бирлашмалари ҳақидаги СССР қонунига асосан СССР Давлат меҳнат комитети ва ВЦСПС қабул қилган махсус қарор бор. Бу ҳужжат 1988 йилнинг 1 мартидан буён амалда қўлланилиб келинмоқда. Унда кўрсатилишича, корхона (бирлашма) ишчи ва хизматчиларига бепул сут ёки бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бериш ҳақидаги масалани мустақил ҳал қилади.

Ишда қўлланиладиган химиявий моддалар рўйхати СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан 1987 йил 4 ноябрда тасдиқланган. Бу рўйхатга мувофиқ химик моддаларни ишлаб чиқариш ёки уни қўллаш билан банд бўлганларга ҳар сменада 0,5 литрдан сутли маҳсулотлар берилади.

⊙

С.СОИПОВА: Мен ҳомиладор бўлгач, докторларнинг хулосасига кўра бошқа енгилроқ ишга ўтказилдим. Ҳозир фаррошлик қиляпман. Лекин иш ҳақим ҳам фаррошникига тенг. Аслида менга кўпроқ ҳақ тўланиши керак эмасми?

Жавоб: Ҳа, аввалги ишлаган ҳақингиз сақланган ҳолда бошқа ишга кўчирилишингиз керак эди. СССР ва Иттифоқдош жумҳуриятлар Меҳнат қонунлари асосларининг 70-моддасига биноан ҳомиладор аёллар врачларнинг хулосасига асосан аввалги иши бўйича маош сақланган ҳолда бошқа енгилроқ ишга ўз розиликлари билан ўтказиладилар. Демак, сиз ҳам аввалги ўртача ойлик маошингизни олишга ҳақлисиз.

⊙

Б. ТОҲИРОВ: Бир неча йил бурун биз уйимизни сотган эдик. Аммо у қозирги даврга қадар нотариал идора рўйхатидан ўтмаган экан. Айтингчи, уйни олиш ва сотишда келишилган шартнома ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин. Чунки шаҳардаги ёки шаҳар типидаги посёлкада бўлган уй-жойнинг олди-сотди шартномаси нотариал идора томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Бу Ўзбекистон ССРнинг Граждонлик кодексидаги 258-моддасида аниқ баён этиб берилган.

Ушбу уй-жойнинг олди-сотди шартномасига риоя қилмаслик бундай шартномани ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келди.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

ИХТИСОСЛАШГАН СИНФЛАР

⊙ ИҚТИДОРЛИ ўқувчи ёшларга у ёки бу фанларни чуқур ўргатиш халқ таълими олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Эндиликда бу борада шаҳримизда ҳам маълум тажрибалар орттирилиб уларни оммалаштириш тадбирлари кўрилмоқда.

Тошкентдаги 113 ва 140-мактаб ўқувчилари учун ташкил этилган физика-математика махсус синфларига ҳам талайгина қобилиятли ўқувчилар жалб қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институти олимлари ташаббуси билан амалга оширилган бу янгилик ўзининг яхши натижасини бера бошлади.

Машғулотларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида тажрибакор ўқитувчи Г. Рожкова методик жиҳатдан атрофлича изланди. Орттирилган тажрибалар билан танишиш учун у Новосибирскка бориб келди. Бу шаҳарда очилган физика-математика мактаби педагогик коллективи иқтидорли толиби илмларни шу йўналишда ўқитишда алоҳа тажриба орттирган. Ихтисослашган синфларда машғулотларни уюштириш бўйича ҳам қатор методик ишлар тайёрланиб, махсус программа тузилган эди. Ана шу методик ишланмалар ўқитувчи Г. Рожкована. педагогик жиҳатдан қуроллантиришда қўл келди.

С. ОДИЛОВА.

БИЛАН СЕВАМАН”

қатта ишлар бошланди. Марказқўм бу тадбирни изчиллик билан, тезроқ амалга оширишни талаб қиляпти. Дала ҳовлилар масаласига келсак. Гарчанд ўзим шаҳарлик бўлсам-да, дала ҳовлим бўлишини жуда хоҳласам-да, майдонлар деҳқонларга ажратиладиган томорқага дахл қилмаслиги керак, деб ўйлайман. Аммо, жуда яхши. Сиз айтаётган ният бир томондан шаҳарликларнинг дам олишига кўмак берса, иккинчидан олма ёки картошкани дўкондан сотиб олишга ўрганган шаҳарлик ёшларга худди ўша олма ёки картошкани етиштириш унчалик осон эмаслигини ўргатади. Учинчидан, бозорларнинг мўл-кўл бўлишига ёрдам беради. Дала ҳовлисидан ўрик қоқиб олган одам ҳарқалай бозорга югурмайди.

Ўтган йили Ўрикзор массивида иморат қураётган қариялар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Кексалар бир воқеани айтиб беришди. Ўн беш йил кутиб, «дом» ололмаган бир одам бўлажак уйи учун бир машина бетон туширган экан. Таппа «мелиса» босибди. «Қаёқдан олдинг?», «Нега олдинг?», «Кимдан олдинг?». Ҳаммаёқ ваҳима! Гап айланиб бориб, жумҳуриятимизнинг раҳбарлари қулоғига етибди. Бояги одам шўрлик «Энди тамом бўлдим», деб турганида, катта раҳбарларнинг ўзи келиб, қаттиқ топшириқ беришибди: «Бу одамлар уй сўраб ижроқўмга югураётгани йўқ. Ўзи лой чангаллаб, иморат солаяпти. Нима лозим бўлса, ҳаммаси билан таъминлансин! Ким бу ишга монелик қилса, албатта жавоб беради!» Қариялар бу воқеани кўзига ёш олиб қувона-қувона айтишди. Афсуски, боғ ҳовлисида пешона тери билан топган пулига иморат солаётганларга ғаштлик билан қарашлар яқин-яқинларгача бўлган. Бундан бир неча йил олдин рўй берган ҳангома қулогингизга чалинган бўлса керак. Бир омади келиб, атоқли олим Озод Шарафиддиновга ҳам «Ядерний» деган жойдан боғ-ҳовли учун майдон берилган. (Эл қатори). Домла бола-чақалари, қариндош-уруғлари билан ҳашар қилиб, иморат солган. Шунда ғаламислар гимирлаб қолган. «Вой-дод, фалон ер ҳовли экан», деб ғала-ғовур кўтарибди. Ҳатто ҳокимликка ҳам ариза ёзишган. Ҳокимликдан ҳам «Ҳовлингиз ўзингизга, ҳеч ким тегмайди, ишлаверинглар!» деган жавоб келган. Шундан кейин ҳам кўпчилик «Ҳовлингиз ўзингизга, ҳеч ким тегмайди, ишлаверинглар!» (Ўша «данғиллама» қасрни мен ҳам кўрганман. Нари борса, ўртачароқ магазин директорининг шийпонидан ортадиган жойи йўқ). Текшир-текшир! Югур-югур! Саволлару-сўроқлар! «Ҳой биродарлар! Ахир мен олимман, дачани қонун йўли билан бердилар, ҳалол пулимга қурдим. Устига-устак уч хонали каталак квартирада келинларимиру, невараларим билан тиқилиб ўтиришибми, сизларга юк бўлмаслик учун ўзим иморат қурсам...» Қани, қулоқ солишса! «Бу — бошқа масала, ўртоқ олим! Дачангиз икки қаватли бўпти. Қонунга хилоф!». «Тушунсангиз-чи, бунинг нимаси икки қаватли, ўзим тинчроқ ишлай деб, томни баландроқ кўтардим, алоҳида хона қилувдим»... — дейди домла тушунтириб. Қонунни сув қилиб ичиб юборган «донолар»нинг жавоби тайёр: «Агар хонангиз чордоқ ичида бўлса, индамас эдик. Сиз қурган хонанинг шифти устига тўсин ташланган. Унинг устидан том ёпилган. Демак, икки қаватли. Бузасиз. Ўз қўлингиз билан бузасиз! Бўлмаса жавоб берасиз!» «Ҳозир қиш бўлса, — дейди домла хуноби ошиб, томни кўчирсам бутун иморат расво бўлади-ку, ақалли баҳоргача сабр қилинглар!». «Бузасиз! Фалон кун муҳлат!».

Эсимда, катта бир олим ҳарфҳўр амалдорларнинг буйруғини бажаришга мажбур бўлди. Қиш чиқмасидан том кўчирилди, сабил қолгур «иккинчи қават» кўтариб ташланди. Кейин яна қор ёғди, ёмғир ёғди... Иморат деярли нураб кетди...

Ҳолбуки Грузияда ахлат ташувчи машина ҳайдовчисининг ҳам икки қаватли дачаси бор. Шоҳона! «Мармар шуба» билан сувалган. Йил бўйи дам олувчилардан уйига ижара қўйиб, минг сўмлаб даромад олади. Етакчи бир ўзбек олими давлатдан уй, коттеж, давлат қуриб берадиган тайёр дача талаб қилмасдан ўз меҳнати билан боғ-ҳовли яратса, шунча гавго, шунча тўполон! Қани мантиқ! Қани адолат?!

Бундай «савдо» дала-ҳовлини ҳаваслончи данғиллама қаср қурди, текширинглар!» (Ўша «данғиллама» қасрни мен ҳам кўрганман. Нари борса, ўртачароқ магазин директорининг шийпонидан ортадиган жойи йўқ). Текшир-текшир! Югур-югур! Саволлару-сўроқлар! «Ҳой биродарлар! Ахир мен олимман, дачани қонун йўли билан бердилар, ҳалол пулимга қурдим. Устига-устак уч хонали каталак квартирада келинларимиру, невараларим билан тиқилиб ўтиришибми, сизларга юк бўлмаслик учун ўзим иморат қурсам...» Қани, қулоқ солишса! «Бу — бошқа масала, ўртоқ олим! Дачангиз икки қаватли бўпти. Қонунга хилоф!». «Тушунсангиз-чи, бунинг нимаси икки қаватли, ўзим тинчроқ ишлай деб, томни баландроқ кўтардим, алоҳида хона қилувдим»... — дейди домла тушунтириб. Қонунни сув қилиб ичиб юборган «донолар»нинг жавоби тайёр: «Агар хонангиз чордоқ ичида бўлса, индамас эдик. Сиз қурган хонанинг шифти устига тўсин ташланган. Унинг устидан том ёпилган. Демак, икки қаватли. Бузасиз. Ўз қўлингиз билан бузасиз! Бўлмаса жавоб берасиз!» «Ҳозир қиш бўлса, — дейди домла хуноби ошиб, томни кўчирсам бутун иморат расво бўлади-ку, ақалли баҳоргача сабр қилинглар!». «Бузасиз! Фалон кун муҳлат!».

Эсимда, катта бир олим ҳарфҳўр амалдорларнинг буйруғини бажаришга мажбур бўлди. Қиш чиқмасидан том кўчирилди, сабил қолгур «иккинчи қават» кўтариб ташланди. Кейин яна қор ёғди, ёмғир ёғди... Иморат деярли нураб кетди...

Ҳолбуки Грузияда ахлат ташувчи машина ҳайдовчисининг ҳам икки қаватли дачаси бор. Шоҳона! «Мармар шуба» билан сувалган. Йил бўйи дам олувчилардан уйига ижара қўйиб, минг сўмлаб даромад олади. Етакчи бир ўзбек олими давлатдан уй, коттеж, давлат қуриб берадиган тайёр дача талаб қилмасдан ўз меҳнати билан боғ-ҳовли яратса, шунча гавго, шунча тўполон! Қани мантиқ! Қани адолат?!

Бундай «савдо» дала-ҳовлини ҳавас қилган тағин бир неча олимнинг ҳам бошига тушди.

Яхшиямки, кўп йиллар давом этган бийрўқбозликка чек қўйиляпти. Умидим шуки, энди бошқа соҳалар қатори бу масалаларда ҳам ҳақ жойида қарор топади.

— Диёримиз тарихига доир кўпгина асарлар яратилган. Бироқ Тошкент тарихини акс эттирган бадиий асарлар жуда кам. Ахир, унинг икки минг йилдан зиёд улкан тарихи бор. Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзода, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом ва бошқа адиблар асарларида Тошкент тарихи, бугунги куни тасвирланган. Сизнинг бир қанча китобларингиздаги воқеалар ҳам бевосита Тошкент билан боғлиқ. Аммо шаҳримизнинг кўп асрлик турмуши, ўтмиши, ота-боболаримиз ҳаёти, Тошкентнинг ўзига хос маданияти ҳақида жуда оз нарса биламиз, улар бадиий адабиётда деярли акс этмаган. Шу ҳақда нималар айта оласиз?

— Биз минг йил эмас, юз йил наридаги тарихимизни ҳам билмаймиз. Ҳолбуки, Тошкент — ўз бошидан кўплаб яхши ва ёмон кунларни кечирган шаҳар. Тошкент тарихини билмаслик — бизнинг гуноҳимиз. Ва айни пайтда фақат бизнинг айбимиз эмас. Бу — бизни қадимий алифбомиздан жудо қилганларнинг ҳам айби. Берунийлар, ибн Синолар, Улуғбеклар, Исмоил Бухорийлар, Бобурлар, Машрабларни бир чекка йиғиштириб қўйиб, Македонскийлар, Наполеонлар, Грознийлар ва яна бошқаларни рўкач қилиб, «Мана — тарих шу, шуни ўрган!» деганлар гуноҳи! «Ким эдик ўтмишда биз — номи йўқ, қашшоқ, гадо» деб шеър битган назмгўйлар гуноҳи! Қанийди, ақалли бундан юз эллик йил аввалги тарих ҳақида, жумладан, Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ҳақида адабиётимизда ҳақконий ва бадиий бақувват асарлар ёзилса... Эртами-кечми, Тошкент тарихи ҳақида яхши асарлар яратилишига ишончим комил.

— Иттифоқимизнинг, қолаверса чет мамлакатларнинг кўпгина йирик шаҳарларида бўлгансиз. Тошкентга ўхшаган шаҳарни (қайсидир томонидан) ҳеч учратганмисиз! Улардаги қайси ижобий фазилатларни шаҳримизда кўришни истардингиз?

— Йўқ! Тошкентга айнан ўхшайдиган шаҳарни ҳеч қаерда кўрмадим. Бунинг керагиям йўқ. Ҳар бир одам айнан ўзига ўхшагани каби, ҳар қандай шаҳар ҳам фақат ўзига ўхшаши керак. Тўғри, ҳаммани бир хил фикрлашга ўргатувчи сиёсат натижасида ҳамма шаҳарларда ҳам бир-бирига ўхшайдиган «замонавий» ва қиёфасиз манзаралар кўпайди. Бироқ, барибир Тошкентни чуқур меҳр билан севаман. Балки шу шаҳар фарзанди бўлганим учундир. Шунга қарамай, одам беихтиёр солиштирар экан. Тўғри, Тошкент чиройли шаҳар. Дўконларида ҳарқалай егулик нарса топилади. (Гарчанд кўп нарсалар камёб бўлса-да. Мана-ман деган универмагларга кириб, дилинг огриб чиқиб кетсанг-да. Юз сўмлик аёллар этиги негадир дўконда йўқ, чайқовда 300 сўм бўлсада...) Тошкентнинг суви ширин, метроси гўзал. Театрлар бор, музейлар...

Барибир озми-кўпми юрт кўрган одам сифатида айтишим керак: Тошкентимиз озода шаҳар деб мақтана олмаймиз. Тартибли шаҳар дейишга тилим бормайди. Аслида бунинг сабаблари кўп. Шаҳаршунослик деган фан бор. Шу соҳа билимдонларининг айтишича, нари борса 700 минг аҳолили шаҳарни бошқарса бўларкан. Аҳоли сони шундан ошса, амалда бошқариб бўлмай қоларкан. Тошкентимизда эса қарийб икки ярим миллион жон истиқомат қилади. Устига устак қишда жанубга, ёзда шимолга кўчадиган бетайин «гастролёр» жиноятчилар.

Яна бир гап: узр-ку, одамлар худбин бўлиб кетаяпти. Деразасининг олдига бир туп дарахт ёки гул кўчати ўтказмайди. Аммо кимдир қачондир кўкартирган дарахтининг битта шохи синса ЖЭКка югуради. Шуниям давлат идораси ҳал қилиши керак. Яна ўша умумнинг ва «ҳеч кимники эмас», деган фалсафа.

Фақат Тошкент эмас, умуман ҳамма шаҳарларга хос бир иллат: навбат кутишлар...

Мексика пойтахти — Мехикода 20 миллион одам яшайди. Бутун Ўзбекистон аҳолиси... У ерда ҳам муаммолар етарли. Ҳаво бузилган. Ичимлик сув танқис. Ўғрилар кўп. Аммо навбат деган сўз йўқ. Тўғри, у ерда ҳам навбат бор. Фарқи шундаки, харидор дўконга эмас, дўкон харидорга навбат кутади. Сиз дўкончига эмас, дўкончи сизга илинади. Начора, умид қиламиз бизда ҳам дўкончилар «Келинг ака, манавини олиб кета қолинг» дейдиган кунлар ҳам келар...

— Тошкентимизни айниқса эски шаҳарни қандай қиёфада кўришни истардингиз?

— Юмшоққина бу савол тагида нима маъно ётиши тушунарли. Республика ва шаҳар раҳбарияти «Маҳалла» дастури учун 170 миллион сўм маблағ ажратгани, бу соҳада жиддий ва хайрли ишлар бошланганидан ниҳоятда хурсандмиз. Минг раҳмат! Бу иш 25 йил олдин бошланса, янаям яхши бўлур эди. 1966 йили Тошкентда ер қимирлади. Бутун мамлакат ёрдамга келди. Инсоф юзасидан айтганда, агар совет халқининг жипслиги бўлмаса, пойтахтимиз бунчалик тез қаддини ростлаб олиши мушкул эди. Бунинг учун қардошларимиздан миннатдор бўлишимиз керак. Лекин яна бир ҳақиқатни ҳам айтиш керак. Тошкентни қайта бунёд этишга келган талай ҳашарчилар ўзлари бунёд этган уйларнинг бир қисмига кириб олдилар. Ҳурматли ўқувчилар, мени тўғри тушунишларингни хоҳлайман. Бу билан Тошкентни қайта қуришда бутун мамлакат қатнашганини ҳам, қардошлар кўмагини ҳам камситмоқчи ва айниқса бугунги қалқиб турган замонда миллатлар орасига қилча ишончсизлик солишни ҳам ўйлаётганим йўқ. Бир ҳақиқатий айтяпман, холос. Ҳашар бундай бўлмайди-да! Туб шаҳар аҳолиси, асосан чеккага чиқиб қолди. Бир қисми олис-яқиндан ер олиб кўчиб кетди. Лой тепиб, ғишт қуйиб, иморат солди. Тўғри, кейин ҳам ўнлаб, юзлаб замонавий «дом»лар қурилди. Аммо уларга маҳаллий аҳолидан кўра қардош райондлардан кўчирib келинган малакали мутахассислар тезроқ жойлашиб олаверди. Ҳолбуки, Москва, Ленинград, Киев, Ереван, Боку сингари шаҳарларда яхши тажриба бор эди. Бирон район, квартал ёки маҳалла бузилса, ўша жой аҳли билан келишиб, нарироқдан бошқа район, маҳалла ёки квартал қурилади. Ҳамма жам бўлиб, кўчиб ўтади. Шундай қилинса, бир-бирини яхши биладиган ҳеш-ақраболар тағин биргалашиб истиқомат қилади.

Бугунга келиб, адолат қарор топаётгани, «Маҳалла» дастурига биноан эски шаҳар зонасида катта ишлар бошлангани кишини қувонтиради. Бу — жуда хайрли иш. Бир томондан шунча йил каталак ҳовлиларда яшаган ва қулай уйларда яшашга тўла ҳақли бўлган меҳнаткашларнинг кўксига шамол тегса, иккинчидан, Тошкентдек қадим маданият масканининг тарихий қиёфаси озми-кўпми сақлаб қолинади. Лекин бу билан ҳам барча ишлар ҳал бўлмайди. Маҳаллий кадрлардан малакали мутахассислар тайёрлашга кенг миқёсда олиб бориш керак. Шундай қилинсагина «ноёб мутахассис» сифатида қардош райондлардан одамлар ташмалаб келишга чек қўйиш ва шунга ҳам фожиавий даражага келиб қолган турар жой, озиқ-овқат, кийим-кечак муаммоларини бир қадар оқилона ечиш имкони туғилади.

Халқимиз меҳмондўст, байналмилалчи халқ. Биз бу билан фахрланамиз. Халқлар ўртасидаги биродарлик туйғуси — ноёб хазина. Уни йўқотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бор. Тошкентга четдан кўчиб келишларни («Мутахассис» баҳонасида) тўхтатиш керак.

Менга қолса, «Маҳалла» дастурига яна бир қўшимча киритилса ёмон бўлмас эди. Ўтган асрда Тошкентнинг ўн икки дарвозаси бўлган. Ақалли рамзий тарзда бўлса ҳам ўша дарвозалар тикланса...

Суҳбатдош
Равшан **БОБОМУҲАМЕДОВ.**

Спорт

⊙ **Олий ўқув юртлари ўртасида спортнинг 22 тури бўйича «Универсиада—90» спартакиадасига старт берилди.** Биринчи бўлиб, кураш бахси бошланади. Бу бахс Тошкент спорт залида ўтказилади.

⊙ **Чилонзор районидаги физкультура коллективлари корхона ва давлат муассасалари ўртасида спортнинг 13 тури бўйича спартакиада ўтказмоқда.** Шахмат-шашка, камондан отиш ҳамда фарғонача кураш мусобақалари якунланди. Фарғонача кураш бахсида халқ хўжалиги институтининг ўқитувчилар коллективи командаси биринчи, 153-қурилиш трести командаси иккинчи, «Алгоритм» заводи командаси учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

⊙ **Акмал Икромов район физкультура коллективлари, корхона ва давлат ташкилотлари ўртасида ҳам** спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтмоқда. Баскетбол мусобақаси ниҳоясига етди. Аёллар ўртасида «Ўрта Осиё газ ишлаб чиқариш бошқармаси»нинг командаси биринчи ўринга сазовор бўлишди. Эркаклар ўртасидаги мусобақада 12-билим юрти ўқитувчилар командасига омад кулиб боқди.

⊙ **Ўрта махсус билим юртлари ўртасида 3-шаҳар спартакиадаси программасидан жой олган баскетбол мусобақаси ниҳоясига етди.** Эркаклар командалари беллашган бу бахсда командалар икки группага бўлиниб ўйнадилар. Ҳар бир группада 11 та дан команда иштирок этди. Биринчи группада Алоқа техникуми командаси зафар қучишган бўлса, иккинчи групада Полиграфия техникуми командаси биринчи ўринни эгаллади.

О. МАХМАЮСУПОВ.



Футбол

«Трактор» мавсум арафасида

⊙ Маълумки, бу йил футбол бўйича СССР биринчилигининг иккинчи лигасида ўзгаришлар бўлиб, территориал принципга кўра уч зона вужудга келтирилди. Уларда иккинчи лига командаларининг ўтган мавсумдаги натижаларига кўра энг кучли ҳисобланган 22 коллектив беллашади. Бундан ташқари, 8-10 та республика зоналарини яратиш мўлжалланмоқда. Тошкентнинг «Трактор» командаси бу йилги мавсумга қандай тайёргарлик кўраяпти? Биз ана шундай савол билан команда бошлиғи А. Алимовга мурожаат қилдик:

— Мўлжалланган ишлар кўнгилдагидек кетаяпти, — деди Абдулла Каримович. Тайёргарликнинг биринчи даври яхши ўтди. Жисмоний машқлар, ўйинчиларнинг маҳоратини назарда тутаяпман. Комада бош тренери Владимир Иванович Бабанов белгиланган топшириқларнинг тўлиқ ва самарали бажарилишига астойдил ҳаракат қилмоқда. Қардош Қозоғистон республикасининг қатор шаҳарларида ўтказилган ўртоқлик учрашувларида яхши натижаларга эришдик. Ҳозир олдимизда яна бир синов турибди. 18 команда қатнашаётган «Пахтакор» хотира-турнирида ўтган йилдагидек ғолиб чиқишдир.

— Етакчи ўйинчилардан Романовский ва Безденежнихнинг «Пахтакор» сафига ўтишгани команда мавқеига таъсир кўрсатмайдими?

Бизда иқтидорли ёшлар кўп, уларга ҳам таянамиз, ҳам ишонамиз. Ўтган йили дарвозабон Шейкин, ярим ҳимоячилар Ўрдабоев, Сеитметов ва бошқа бир нечта футболчи «Энг яхши ўйинчи» деб топилган. Сафимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида командага «Трактор» футбол мактабида таълим олаётган тўрт ўсмирни ҳам қабул қилдик.

— «Трактор» майдонга тушадиган зонада қайси коллективларни кучли деб ҳисоблайсиз?

— Менинг фикримча, лигаларда қатнашаётган коллективларнинг кучсизи бўлмайди. Шунга қарамай «Нурафшон» (Бухоро), «Динамо» (Самарқанд) ва «Косонсойчи» (Косонсой) командаларининг маҳоратини алоҳида таъкидлаш зарур.

— Бу йилги мавсумда команда ўз олдига қандай мақсад қўйган?

— Аввало чиройли ва комбинацияли ўйин кўрсатиб, ишқибозларни хушнуд этиш. Биринчиликда эса 1,2-ўринлардан бирини эгаллаш учун қураш олиб борамиз. Бунинг учун барча имкониятлар етарли.

Суҳбатдош С. ШОДИЕВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

АБОНЕНТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ «ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ»НИНГ ҚУЙИДАГИ ПУНКТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТАДИ

Абонентга ўрнатилган телефон коллектив фойдаланадиган алоқа системасининг бир қисми саналади ва у бир кеча-кундуз мобайнида уч-тўрт марта 3 минутлик сўзлашиш учун мўлжалланган.

Алоқа корхонаси ўз номларига абонент очган гражданларнинг квартираларига телефонлар ва қўшимча асбобларни ўрнатиб бериш ишларини амалга оширади.

АБОНЕМЕНТДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ:

шаҳар телефон алоқаси хизматидан фойдаланувчи абонент қуйидагиларга риоя этиши шарт:

телефондан фойдаланганлик учун, телефонда шаҳарлараро сўзлашганлик учун, квартира телефонлари орқали кредитга сўзлашганлик учун, квартира телефонларидан кредитга берилган телеграммалар учун ва телефон орқали кўрсатиладиган бошқа хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаш;

Тармоққа носоз, давлат стандартлари ёки техника шартлари талабларига мувофиқ келмайдиган телефон аппаратларини, шунингдек бошқа қурилмаларни улаш;

телефонлар ва қўшимча асбобларни ўзбошимчалик билан ўрнатиш (кўчириб ўрнатиш)га йўл қўймаслик;

алоқа корхоналарига тегишли ва абонент фойдаланишида бўлган хонадаги телефон симлари ва бошқа телефон ускуналарини бус-бутун ва соз ҳолда сақлаш;

Телефондан фойдаланишда рўй берган ўзгаришлар (абонентнинг кўчиб кетиши, унинг жавобгар янги киши номига ўтказилиши) ҳақида алоқа корхонасига бир ой муддат ичида хабар қилиш;

алоқа техник ходимлари сурат ёпиштирилган ва муҳр босилган ўз гувоҳномалари, шунингдек иш бажариш юзасидан наряд қоғозларини кўрсатганлари тақдирда уларга монелик қилмай телефон аппаратлари, қўшимча асбоблар ва линияларни кўздан кечириш ҳамда уларни тузатишга йўл қўйиб бериш;

Телефондан бошқа абонентларнинг атайин тинчлигини бузиш, қўшалоқ телефонда бошқа абонентнинг сўзлашишига атайин халақит бериш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик;

милиция, тез ёрдам, авария хизмати ходимларига ва бошқа фавқулодда ҳолларда телефондан тўсиқсиз фойдаланишга имконият яратиш.

Телефон алоқасидан давлат манфаатлари ва жамоат тартибига зид мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Бу шартлар абонент томонидан бузилган тақдирда алоқа корхонаси телефондан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки абонементни ёпиш ҳуқуқига эга.

Алоқа корхонаси ихтиёрида бўлган телефон ускуналарининг шикастланиши билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса алоқа корхонаси ходими ва шикастланишга йўл қўйган шахснинг биргаликдаги имзолари билан қайднома тузиш тартибида расмийлаштирилиши лозим. Тузилган қайднома асосида шикастланишга йўл қўйган шахсга бузилган ускуналарни ремонт қилиш ҳақини тўлаш юзасидан ҳисоб-китоб варақаси жўнатилади.

Телефон ускуналарининг бузилишига йўл қўйган шахс қайдномага ўз имзосини қўйишдан бош тортган тақдирда ҳужжат алоқа корхонасининг икки ходими томонидан имзоланади.

Телефон аппарати ўзбошимчалик билан ўрнатилган (кўчириб ўрнатилган) ёки таксофон линиясига уланган тақдирда алоқа корхонаси мазкур телефонни узиб қўяди ва қоидани бузган шахсга телефон аппаратини ўрнатиш учун тўланадиган ҳақ ва ўзбошимчалик билан ўрнатилган аппаратдан фойдаланилган вақт учун тўланадиган абонемент ҳақи миқдорида жарима солади.

Агарда ўзбошимчалик билан ўрнатилган аппарат ёки унинг ишлаб турган телефон ёки таксофон линиясига уланган вақти аниқланмаган тақдирда, абонемент ҳақи қоида бузилганлиги аниқланган вақт йил бошидан бошлаб ундириб олинади.

Қоида бузишга йўл қўйган шахс ҳисоб-китоб ҳақини тўламаган тақдирда жарима ҳақи белгиланган тартибда ундириб олинади.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«УЗБЕКЭЛЕКТРОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ 47-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

пайвандчи ихтисоси бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия тўланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700012, Тошкент шаҳри, Сергели — 2, 64-а уй (40, 58, 75, 98, 99, 104-автобуслар, 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати).

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«ҚАЛДИРҒОЧ ҚАНОТИДА КЕЛГАН ОВОЗЛАР»

ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Шу йили ўтказиладиган барча конкурсларнинг бўлажак ғолиблари — истеъдод соҳиблари

ОДИЛ КАРИМОВ, САЛОМАТ ИБРОҲИМОВА ВА МИРСАИД ИСҲОҚОВЛАР

Сиз учун ўзларининг севги-муҳаббат, саҳоват, мурувват, гўзаллик ҳақидаги қўшиқларини бахшида этадилар.

Сизларнинг қалб тўрингиздан ўрин олган нодир сўз усталари...

ПРОГРАММАНИ интермедия ва тақлидлар билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари ГУЛЧЕҲРА ВА ЛУТФУЛЛА САЪДУЛЛАЕВЛАР олиб борадилар.

КЕЧАДАН ТУШГАН МАБЛАҒ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12 март соат 19.30 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАнинг

35 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонандалари, «Лазги» вокаль-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишдан ажралган ҳолда том плиталарини ёпиш ва темир-бетон конструкцияларини ўрнатиш бўйича слесарь-монтажчилар тайёрлаш курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ЎЗ ХИЗМАТ БУРЧИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Дарслар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — бир ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат ўчун адрес: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Яланғоч посёлкаси (метронинг — «М. Горький» станцияси; 151-маршрутли таксининг «Мичурин номли пионер лагери» бекати).

«ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» НОМЛИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ремонт қилинниши лозим бўлган

«ПАЗ—672» — 1 дона,
«ГАЗ—52» — 2 дона,
«ЕРАЗ—672» — 1 дона,
«НИССА — 622» — автомашиналарини ва холодильникни

СОТАДИ

Мурожаат қилиш учун адрес: 700102: Тошкент шаҳри. Спутник посёлкаси.

ҚЕЛЕС АВТОБУС-ТАКСОМОТОР ПАРКИГА

шаҳар атрофи ва шаҳарлараро маршрутларда ишлаш учун

автобус ҳайдовчилар КЕРАК

Навбатчи автобуслар ишга ва ишдан уйга олиб бориб қўяди.

Мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент райони, Кўксарой қишлоғи (465, 467 (Эски шаҳар) автобусларнинг «АТП» бекати).

Телефонлар: 39-97-53, 39-97-96.

Корхоналар, ташкилотлар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!

«ИРМОНТАЖСТРОЙ» трести ишлаб чиқариш-технология комплектацияси-нинг ИЖАРА БОШҚАРМАСИ доимий равишда таъминот-фойда олиш хизмати кўрсатиш, шунингдек юкларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш учун ўз базасини бериб туриш ИМКОНИЯТИГА ЭГА

Таклифлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700049, Тошкент шаҳри, БЕРУНИЙ КЎЧАСИ, 3/4 уй.

Телефонлар: 42-85-26, 42-56-02.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ МАГАЗИНЛАРИГА

топширилган макулатурага алмаштирилган абонементларга бериладиган қуйидаги китоблар келиб тушди:

Д. Барри. Д. Биссет. «ПИТЕР ПЕН И ВЕНДИ. ЗАБИТИЙ ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ».

Г. Хаггард. «КОПИ ЦАРЯ СОЛОМОНА».

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

«Гордорстройремонт» трестининг

3-РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА ИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

асфальт ётқизувчи, ишчилар, йўл ишчилари, монтажчи-прораблар (ПГСда ишлаш тажрибасига эга бўлган), **мастер.**

Ишчиларга ишбай-мукофот тарзида ҳақ тўланади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй — Ленин район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/III да **Оққуш кўли**, 3/III да **Пиковая дама**, 4/III да **Коппелия** (12.00), **Бир парда'ли балетлар** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/III да **Концерт**, 3/III да **Ака-ука совчилар**, 4/III да **Кампир кетармиш.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/III да **Знёфат.**

КИНО

2 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (катта зал, 18.20). «ХОН ГИЛЬ ДОН» (кичик зал, 18.20).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОШИҚ ЭРКАК» (жуфт соатларда).

Восток — «ДЕЖА ВЮ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.45).

Москва — «ДЕЖА ВЮ» (17, 19, 21).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (18.30, 21.00).

3, 4 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (катта зал, 11, 14, 16, 18.20). «ХОН ГИЛЬ ДОН» (кичик зал, 12, 14, 16, 18.20).

Чайка — «ХОН ГИЛЬ ДОН» (10.30, 12, 16.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОШИҚ ЭРКАК» (жуфт соатларда).

Восток — «ДЕЖА ВЮ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ДЕЖА ВЮ» (17, 19, 21.00); «ОЙНАВАНД ИЎЛАК» (11, 13, 15.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Аҳоли, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ «ОБЛРЕМБИТТЕХНИКА» КОРХОНАСИ

ёзув машинкаларидаги рус ча ҳарфларни ўзбекча ҳарфларга алмаштириш ва ёзув машинкаларини тузатиш ишларини

АМАЛГА ОШИРАДИ.

Корхона жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 77-алоқа бўлими, Луначарский катта кўчаси, 42-уй. Телефонлар — 68-56-65, 54-78-88.

«Дархон» кафеси меҳмонларни чорлайди!

Оилавий шодиёналар, муҳим саналар, дўстлар билан дийдорлашув каби тадбирлар учун «Дархон» кафесидан мосроқ гўшани топиш мушкул бўлса керак. 100 кишига мўлжалланган шинам залда ҳеч қандай ташвишсиз, ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Қичикроқ давралар учун эса алоҳида кабиналар мавжуд. Миллий ва европа таомлари ҳамда яхна газаклардан иборат ранг-баранг меню хўрандаларга манзур бўлади. Кеч соат 19 дан бошлаб рақс тушиб, оромбахш куй тинглашингиз мумкин.

Кафеда ўтказилган вақт узоқ вақт ёдингизда қолади, деб умид қиламиз!

«Дархон» кафесининг макони: Пушкин кўчаси, 88-уй. Кафе соат 12 дан 23 гача ишлайди, тушлик танаффус соат 16 дан 17 гача, душанба куни — соат 16.00 гача ишлайди.



Куйбишев район ошхоналар трести.

КООПЕРАТОРЛАР, ИЖАРАЧИЛАР, ЯККА ТАРТИБДА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда кооператив ходимлари касаба уюшмасининг шаҳар комитети тузилди.

Касаба уюшмаси шаҳар комитети ҳам кооперативларнинг, ҳам айрим кооператив аъзоларининг, ижарачиларнинг, аралаш мулк эгаси бўлган корхоналарнинг, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг манфаати номидан иш кўради ва ҳимоя қилади.

Касаба уюшмаси шаҳар комитети энг муҳим вазифаларидан бири — иқтисод, тижорат, ижтимоий суғурта ва нафақа таъминоти, молиявий-хўжалик фаолиятига доир чуқур билимларни фаол тарғиб қилишдир.

Касаба уюшмаси шаҳар комитети эркин меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг ҳимояси нуқтаи назаридан туради, кооператорларни, ижарачиларни, аралаш мулкли корхоналарнинг ходимларини ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларни касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларини тузишга, ҳамфикрларни жалб этишга даъват этади.

Касаба уюшмасига ҳамма аъзо бўлиб кириши мумкин. Якка тартибда, кооперативлар ва бошқа ташкилотларнинг шахсий аризаси билан қабул қилинади.

Касаба уюшмасининг низоми билан танишмоқчи, тегишли ташкилий масалалар юзасидан тавсияномалар олмоқчи бўлсангиз касаба уюшмаси шаҳар комитетига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзимизга оид маълумотларни маълум қиламиз:

Маконимиз: Тошкент шаҳри, 700047, Пролетар кўчаси, 4-уй, телефон 33-09-70;

касаба уюшмаси бюджети бўйича ҳисоб счёти 000695612,

ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб счёти 000696048.

Тошкент шаҳар уй-жой-ижтимоий банкининг муомалалар бошқармасидаги кодимиз 734279.

Кооператив ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар комитети.

Магазин макони: Талабалар шаҳарчаси



Суратқашликка қизиқувчилар, янги телевизор, магнитофон ёки идоравий ёзув-чизув ашёларини харид қилмоқчи бўлганларни ана шу даҳанинг қоқ марказида жойлашган 21-МАДАНИЙ МОЛЛАР МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Савдо залида қуйидаги бўлимлар бор:

магнитофонлар, радиолалар, турли радио деталлар;

телевизорлар (рангли ва оқ-қора тасвирли);

фототоварлар (фотоаппарат, катталаштиргичлар, фотоплёнкалар);

идоравий ёзув-чизув ашёлари.

21-магазин макони: Талабалар шаҳарчаси. Иш тартиби: соат 10 дан 19.00 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 10, 28, 34, 47, 87, 88, 102, 116-автобуслар; 8, 20-троллейбусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.

«Ташкультторг»

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03139.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.